



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида “Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” танловини ташkil этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони 10-бандининг 3-хатбоши ва 11-банди ҳамда вазирликнинг 2019 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида “Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” танловини ташkil этиш ва (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) ўтказиш бўйича Республика ташкилий гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ;

танловни ташkil этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

танловнинг учинчи босқичини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ташкилий гуруҳи (А.Тагаев)га:

танловни тасдиқланган низом асосида юқори савияда ташkil этиш;

танловнинг якуний босқичида иштирок этувчи ҳакамлар ҳайъати таркибига Адлия вазирлиги, Бош прокуратурадан мутахассисларни ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини жалб қилиш;

танлов шартлари бўйича саволлар тўпламининг сифатли тайёрланишини, танловни шаффофлигини таъминлаш;

танлов ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини муносиб рағбатлантириш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Республика таълим маркази (А.Умаров) ва Халқ таълими соҳасида ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (Ш.Қаюмов)га:

бир ҳафта муддатда танловни барча босқичларини юқори савияда ташkil юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

танлов шартлари бўйича саволлар тўпламининг сифатли тайёрланишини, танловнинг шаффофлигини таъминлаш;

танловни низом талаблари асосида ташkil этиш ва ўтказиш;

танловнинг ҳудудий босқичлари якуний натижалари ҳақида маълумотларни ўтказилган кунининг ўзида Республика ташкилий гуруҳига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларига: